



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ўз
истагини
енгиш кучли
рақибни
енгишдан
огирроқ
ишдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshon@gmail.com



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 9-fevral, seshanba, 16 (23.452)-son

«Юксалиш» давлат дастури ижросини мониторинг қилиб боради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан Ҳаракатлар стратегиясини «Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.

Кенг жамоатчиликнинг муҳокамаларида келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар инobatга олинган ҳолда шакллантирилган ушбу дастур том маънода ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа йўналишларда айна пайтда долзарб ва устувор бўлган масалаларни ўз ичига олганлиги билан аҳамиятлидир.

Албатта, дастурни ишлаб чиқиб тасдиқлаш бир томон бўлса, унинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш иккинчи ўта муҳим масала ҳисобланади. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик ва оқилона ташқи сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бўл-

ган 274 бандда ўз ифодасини топган вазифаларнинг ўз муддатиде ва самарали ижросини таъминлашда тизимли мониторингни амалга ошириш, жамоатчилик назорати механизмларидан кенг ва фаол фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Президент Фармонининг 26-бандида Адлия вазирлиги, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатига бу борада муҳим вазифалар юклатилди.


Таъкидлаш лозимки, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ташкил қилинганида жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шунга мувофиқ, 2019 йилдан буён Ҳаракат ўз фаолиятида нодавлат

нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, фаол ва ташаббускор фуқаролар кўмаги ва иштирокида давлат дастурларининг жойлардаги ижросини жамоатчилик назорати тартибиде ўрганиб, натижалари юзасидан таҳлилий маълумотларни Олий Мажлис, Президент Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига мунтазам тақдим этиб келмоқда.

«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати жорий йилги давлат дастурининг 16 бандида белгиланган нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самардорлигини ошириш бўйича ҳам Адлия вазирлиги ва «Тараққиёт стратегияси» маркази билан биргаликда масъул ижрочи сифатида белгиланган.

**Дилнур АЪЗАМОВ,
«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати
вилоят бўлини маси
бош мутахассиси.**

«Алишер Навоий таваллудига 580 йил тўлди»



Меҳрки равшанлик этар фoш ани, кимга кунаҳ кўрмаса хуффош ани.

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у бу барокотдин умрбод баҳраманд бўлади.

Иззат бермас, нақду дирам борлиги, ким бўлди тамъдин кишининг хорлиги.

Кишиким қилса олимларга таъзим, андоқки қилур пайғамбарга таъзим.

Кимники айлай дер эрсанг маҳраминг, кўп синамай айламагил ҳамдаминг.

Қила олғунча таъзим ва одоб биносин йиқма, ҳаё ва хурмат хилватидин ташқари чиқма.

Бефойда сўзни кўп айтма, чин айта олур тилни ёлғонга булғам.

Сабр била боғлиқ иш очилур, ишда ошиққан кўп тойилур.

Битиклик келди ҳимматидин нишона, ки ҳимматсизни паст этди замона.

4-саҳифа >>>

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан

Такомил бошқарув самараси

ёки Ўзбекистонда Президент бошқаруви ҳақида

Бу йил халқимиз асрлар мобайнида орзу қилиб келган Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлайди.

Мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг онгу шуурида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон халқи буюк салоҳияти ва мустақам иродасини намоён этди. Жиддий синовларни, оғир ва машаққатли кунларни енгиб ўтиб, катта ривожланиш босқичида шахдам қадам ташламоқда.

Республикамиз илгариги бир томонлама шаклланган иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиб, катта тараққиётни бошидан кечирмоқда. Фуқароларнинг турмуш даражаси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошмоқда, илмий-маърифий тафаккури юксалмоқда. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кўшни давлатлар ва дунёнинг барча мамлакатлари билан дўстлик ришталарини мустақамламоқда, иқтисодий ва маданий-маърифий ҳамкорлик муносабатларини ўзаро манфаатли шартларда олиб бораётган эркин, очик ва демократик давлатга айланди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан олға сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини

ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик ғоясини фуқаролар ҳаётига сингдириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Жамиятимизда том маънодаги тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатларо ҳамжиҳатлик муҳити ҳукм сурмоқда. Хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда фуқароларга қўшимча даромад олиш бўйича имкониятлар вужудга келтирилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз йили давомида қўлга киритган мана шундай оламшумул ютуқларнинг барчаси мамлакатимизда ўз вақтида давлат бошқарувининг энг мақбул бўлган шакли – яқка идорачиликка асосланган Президент бошқаруви жорий этилганлигининг самарали натижасидир.

2-саҳифа >>>



Самарқанд халқаро саммитга

ҲОЗИРЛАНМОҚДА

2022 йилда Самарқанд шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммити ўтказилиши режалаштирилган. Қарийб икки йилдан буён бу нуфузли тadbирга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу мақсадда шаҳарда 9 йўналишда бунёдкорлик, ободонлаштириш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини реконструкция ва модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда.

– Саммитга тайёргарлик доирасида Самарқанд шаҳрида бир қатор янги объектлар қуриш, кенг қўламли ободонлаштириш ишлари олиб бoриш режалаштирилган, – дейди вилоят қурилиш бош бошқармаси мутахассиси Парвиз Содиқов. – Қадимий шаҳардаги маданий мерос объектлари, тарихий ёдгорликлар кўп бўлганлиги сабабли бунёдкорлик ишлари ЮНЕСКО мутахассислари билан маслаҳатлашилган ҳолда амалга оширилмоқда. Шунингдек, шаҳарнинг бош режасига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти.

Жумладан, Самарқанд шаҳри ва туманини бири-бири билан боғлайдиган Уста Умар Жўрақулов кўчаси реконструкция қилинмоқда. Яқинларга кўчанинг тор ва ўйдим-чуқурлиги на-

фақат машиналар, балки пиёдаларнинг юришига ҳам нуқулаллик тўғдирарди. «Ark-Dizayn» архитектура лойиҳалаш маркази томонидан ишлаб чиқилган замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган лойиҳага кўра, кўчанинг Самарқанд тумани ҳудудидаги қисми кенглиги 42 метрга етказилди. Асосий автомобиль йўлидан ташқари, қўшимча йўл, пиёдалар ва велойўлақлар барпо этилди. Кўчанинг Шоҳи Зинда мажмуаси ва Садриддин Айний кўчалари кесимчасига бўлган қисмининг эни 24 метрга етди. Бутун кўча бўйлаб тунги ёритиш чироқлари ўрнатилиб, манзарали дарахтлар экилмоқда, яшил майдонлар яратилмоқда.

2-саҳифа >>>

Россия компанияси Самарқанд жамоат транспорти тизимини қайта ташкил этади

Вилоят қурилиш бош бошқармасида Самарқанд шаҳар транспорт тизимини рақамлаштириш бош режасининг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Унда Россиянинг «SIMETRA» компанияси томонидан Самарқанд шаҳри кўчаларининг янги, рақамлаштирилган концепцияси лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Санкт-Петербург шаҳрида фаолият олиб бoрувчи мазкур компания Москва, Челябинск, Алматы, Кишинёв, Краснодар каби шаҳарларда ҳам

транспорт соҳасида ишлаб тажриба ортирган. Айни кунларда компания мутахассислари Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги 40 километр ҳудудда жамоат транспорти ҳаракатини тартибга келтириш режаси устида иш олиб бoрмоқда. – Самарқанд тарихий шаҳар бўлгани учун ҳам тузилаётган лойиҳаларимиз бошқалардан бутунлай фарқ қилади, – дейди «SIMETRA» компаниясининг етакчи мутахассиси Кристиан Бёттер. – Қадим шаҳар жамоат транспорти тубдан ўзгариши керак. Турли давлатлардан келётган сайёҳларга замонавий хизмат турлари ташкил этилмоқда. Жумладан, йўловчи ташиш хизмати ҳам шунга мос бўлиши

лозим, деб ўйлайман. Ишлаб чиқётган режамиз асосида жамоатчилик фикрини ўрганиб чиқиб, уни жорий йилнинг 1 сентябрга қадар тайёрлаймиз. Самарқандда ЮНЕСКО назоратидаги маданий-мерос объектлари жуда кўп. Бу эса хорижлик мутахассислар учун янада кўпроқ масъулият юклайди.

– Самарқанд шаҳрига кунига туманлардан 114 минг одам кириб келади, – дейди Транспорт вазирлиги қoшидаги транспорт муаммоларини ўрганиш маркази директори Мурод Обидов. – Шаҳарда ҳаракатланаётган 500 дан ортиқ жамоат транспорти ёрдамида 140 мингдан кўпроқ йўловчи ўз манзилига етиб бoрмоқда.

Тўпланган маълумотлар асосида бир неча замонавий лойиҳалар ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилдиган бўлди.

Дилмурод ЎТАМУРОДОВ.

Ҳамшираларга нега чора кўрилади?

Жомбой тумани Деҳқонобод маҳалласида истиқомат қилувчи Бердировлар оиласига Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари келиб, патронаж ҳамшираси охириги марта қачон келгани ҳақида сўраб-суриштирганда тугилиб қолишмади. Қачон келганини, қандай тиббий амалларни бажарганини айтиб бeришди.

Хабарингиз бор, бугун республикамиз бўйлаб бирламчи тиббиёт муассасалари ходимлари томонидан аҳоли атропометри текширувларидан ўтказилмоқда. Аҳолининг ижтимоий муаммоларини ўрганиш нечоғлик муҳим бўлса, бу ҳам шундай аҳамиятга молик жараён. Юқориде номлари келтирилган ташкилот вакилларининг жараённи назорат қилишлари сабаби ҳам шунда.

– Инсоннинг тана вазни, бўйи ўлчови, қандай таомланиши каби маълумотлар оддий кўринса-да, умумлашганда жуда кўп таҳлилларни келтириб чиқаришга, соғломлаштириш йўналишини белгилашга хизмат қилувчи ахборот, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сухроб Зайниев. – Шунинг учун барча тиббиёт ходимларига мазкур хатловни амалга оширишда масъулият билан ишлашга кўрсатма берилди. Такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизматининг устувор равишда тўлиқ жорий қилиниши бўйича Каттакўрғон шаҳар ва Иштихон тумани танлаб олинди. Теширувни олиб бoриш учун тиббий бригадалар ташкил этилиб, улар керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Иккала тиббиёт бирлашмасида мавжуд 384 дона патронаж сумкаларига хатлов ва антропометрияни ўтказиш учун керакли бўлган воситалар (тарози, сантиметрли лента, танометр, фанендоскоп, акушерлик статоскопи, термометр, ҳомиладорлик муддатини ҳисоблаш учун калькулятор ва бошқа) 70-80 фоизга таъминланган эди. Қўшимча зарур жиҳозлар вилоят маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағ эвазига ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан олиб берилди.

Ушбу ҳудудларда хатлов ишлари тугатилиб, эндиликда бошқа туманларда бошланди. Ҳар бир туман тиббий ходимлари учун соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят тиббиёт муассасалари вакиллари томонидан ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Шунингдек, юқориде таъкидлаганим-



дек, хонадонларга кириб, кўрик амалга оширилган оила аъзолари билан сўхбат, кўрсаткичларини қайта текшириш орқали уларнинг фаолияти нечоғлик экани билан ташииб ҳам бoрямиз. Ўрганишларимиз давомида текширувни хўжақурсинга олиб бoрган бир нечта ҳамшираларга чора кўрилди.

– Жомбой туманида 9 та оилавий шифокор пункти ҳамда 3 та оилавий ва битта марказий поликлиника фаолият юритади, – дейди туман марказий поликлиникаси мудири Саъдулла Бердиқулов. – Аҳолини тўлиқ текширувдан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирга қадар 20 фоиз аҳоли кўриқдан ўтди. Аҳоли орасида кейинги йилларда юрак-қон томир, қандли диабет касалликлари сони ошиб кетди. Қолаверса, ортиқча вазна эга инсонларнинг сони ҳам кундан-кунга ортиб бoраётганини афсус билан қайд этиш лозим.

Ушбу текширувлар натижаси мамлакат миқёсида умумлашган, таҳлил амалга оширилади. Хасталикларнинг олдиде олишга эътибор қаратилади. Бир пайтлар эндокрин касалликлари жуда кўп учрарди, ҳозир уларнинг сони пасайганини кузатиш мумкин.

Гулрўх МҰМИНОВА.

Такомил бошқарув самараси

ёки Ўзбекистонда Президент бошқаруви ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

2021 йил 24 мартда Ўзбекистонда Президент бошқаруви таъсис қилинганлигига 31 йил тўлади. Шу боис мамлакатимиз энг юқори давлат ва ижро этувчи ҳокимият органнинг пайдо бўлиши тарихига назар ташлаш ўринли.

Маълумки, катта сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий инқирозни бошидан кечириб турган собиқ СССР "ҳаёти"нинг сўнгги уч йили (1988-1990 йиллар) ичида давлат бошқаруви тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, ҳокимият идоралари бўғинларида тез-тез "янгилаш"лар содир бўлди.

СССР Олий Советининг 1988 йил 1 декабрдаги ўн биринчи қаҳирик навбатдан ташқари ўн иккинчи сессиясида қабул қилинган қонун билан СССР Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар кейинчалик Ўзбекистон ССР Конституциясига ҳам кўр-кўрона кўчириб олинди. Ўзгаришларга асосан халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва районлар советларининг доимий фаолият кўрсатувчи органлари – президиумлар ва уларнинг раислари, районга бўйсунувчи шаҳар, қишлоқ ва посёлка советларининг ишлари эса ушбу советларнинг депутатларидан сайланган раислар, халқ ҳўжалиги тараққиётига раҳбарлик қилувчи ижроия комитетлари бошқариши белгилаб қўйилди.

Бундай ўзгаришларнинг жорий этилиши бежиз эмасди. 1988 йилнинг ўрталарига келиб узоқ давр мобайнида бутун

собиқ совет жамиятини бошқариб келган КПСС катта таназзулга юз тутди ва унинг халқ ўртасидаги обрў-эътибори кун сайин йўқола бошлади.

У давлат ва жамиятга етакчилик қилиш ҳуқуқидан маънавий жиҳатдан маҳрум бўлаверди. Шу сабабдан ҳам жойларда давлат бошқаруви ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини амалда олиб бериш чоралари кўрилди.

1990 йил 16 мартда илгор сиёсий кучларнинг таклифларига биноан собиқ СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддаларига ўзгариш киритилиб, Асосий қонундан "КПСС Совет жамиятининг етакчи ва раҳбар кучидир", деган доғматик қоида олиб ташланди. Шу муносабат билан собиқ совет мамлакатида турли ташкилотлар ўртасида ваколатлар талашининг пинҳона "жан"и бошланиб кетди. Бир томонда отдан тушса ҳам эгардан тушмаган КПСС ва унинг маҳаллий ташкилотлари, иккинчи томонда ҳали маълум даражадаги мустақил фаолият тажрибасига эга бўлмаган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг президиумлари ва уларнинг раислари, учинчи тарафда ушбу маҳаллий кенгашлар ижроия қўмиталари бўлиб, давлат бошқарувини қай бири ўз қўлида маҳкам ушлаб қолишни билмай турган бир ҳолат вужудга келди. Собиқ иттифоқдош республикалар бошқарув тизимида эса бутунлай мавҳумлик давом этар эди.

Мана шундай қалтис вазиятда республика раҳбарияти одилона ва оқилона иш юритди. Республика Парламентининг 1990

йил 24 мартдаги сессиясида қабул қилинган қонун билан Ўзбекистон Конституциясига ўзгариш киритилиб, собиқ иттифоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб Президент лавозими жорий этилди ва шу сессияда Ислам Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди. Сўнгра Президентнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳақидаги, Президент сайлови тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. 1991 йил 29 декабрда кўппартиявийлик тамойилига асосланган илк демократик президентлик сайловлари бўлиб ўтди.

Ўтган ўттиз йиллик давр тажрибаси шуни кўрсатдики, Президент бошқаруви халқимиз келажақ тақдирини ўйлаб, оқилона қилинган сазой-ҳаракат бўлган.

Бу эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши (1991 йил 31 август), истиқлол ғоялари билан йўғрилган Конституциямиз яратилиши (1992 йил 8 декабрь) давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилиб, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари лавозимлари таъсис этилиши, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида улугвор ижобий ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Халқимиз бир ўз ўттиз йиллик мустамаклачилик истибодидан озод бўлиб, ўз тарихини ўзи яратмоқда. Фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқлари тўласинча таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг кели-

шилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди».

Конституциянинг 93-моддасида мустақамланган қоидаларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий ялтилигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради. Мамлакат ичкарисид ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради. Музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди. Ўз ҳузурда аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва қақирув ёрликларини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди.

Ўзбекистонда жорий этилган олий давлат бошлиғи бўлиш Президентлик институтини юртимизнинг кўп асрлик миллий давлат бошқаруви идорасининг замонавий шакли сифатида ўзининг ҳаётини исботини топди, жамиятимизни мустақилликнинг порлоқ келажаги сари етакловчи муайян кучга, қудратли таянчга ва ҳимоя тоғига айланди.

Йўлдош СУЮНОВ,
ҳуқуқшунос.



Пайариқ туманининг Ўзбекистон маҳалласида яшовчи тадбиркор Шокир Эшонкулов 2019 йилда "SILVER GREEN TEA" оилавий корхонасини ташкил қилиб, Хитой кўк чойини қадоқлашни йўлга қўйган.

– Фаолиятимизни 5 киши билан, кунига 300 килограмм чойни қадоқлашдан бошлаганимиз, – дейди корхона иш бошқарувчиси Ином Ҳамдамов. – Ҳозирда корхонамизда бир кунда 1 тоннадан, йилга ўртача 300 тоннадан зиёд чой қадоқланаяпти. Ўтган йили 4 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарганимиз. Маҳсулот ҳозирча ички бозорда сотилмоқда. Келгусида мевалар таъмини берувчи чой қадоқлашни ҳам йўлга қўйиб, хоризжа экспорт қилиш режамиз бор.

Ширинбой МАМАДАЛИЕВ.



««« Қурилиш »»»»

Қинғир ишнинг қийиғи чиқади

Бундан 10-15 йиллар олдин бир қадр тўхтаб қолган қурилиш соҳаси кейинги йилларда кўлами жиҳатидан бошқа йўналишларни бурмунча ортда қолдирмоқда. Салқоқ ортиб бораётгани яхши, албатта. Аммо қинғирликларга йўл қўйилмаяптими?

Тизимда сифатни ошириш, соҳани замонавий асосларда ривожлантириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Маълумотларга кўра, вилоятимизда 2020 йил инвестиция ва бошқа дастурлар асосида 3 минг 316 та объект, шу жумладан, 52 та умумий ўрта таълим мактаби, 14 та мелиорация, 21 та соғлиқни сақлаш, 23 та ичимлик суви объектлари, 46 та мактабга таълим ташкилоти, 5 та олий таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Шунингдек, 464 хонадонли кўп қаватли арзон уй-жойлар, 240 хонадонли "Узшаҳар қурилиш инвест" иштирокидаги кўп қаватли арзон уй-жойлар рўйхатга олинган. Рўйхатга олинган объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари талабга мувофиқлиги назоратга олиниб, 2733 марта текширишлар ўтказилди, - дейди вилоят қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи Ҳамдам Жабборов. - Ўрган ишлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан 593 та ёзма кўрсатмалар берилиб, камчиликларнинг бартараф этилиши таъминланган.

Лойihalаш, қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилаётганда талабларни бузиш, шунингдек, қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик ҳолатлари юзасидан маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал этиш бўйича 29 та ҳужжатлар тўплами тегишли суд органларига юборилган.

Инспекция синов лабораторияси томонидан мактаблар, намунавий уй-жой қурилиши ва бошқа объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари ва маҳсулотлар сифатини аниқлаш юзасидан синов ишларини бажариш учун 164 та шартнома тузилиб, 1373,58 миллион сўмлик лаборатория хизматлари кўрсатилган.

Бундан ташқари, қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаш учун ҳабардор этиш орқали 740 та ариза кўриб чиқилиб, объектлар рўйхатга олинган ва назорат тадбирлари амалга оширилган.

БАЖАРИЛМАГАН ИШНИНГ МИЛЛИОНЛАРИ

2020 йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан вилоятда 227 та, жумладан, 3 та йилдан йилга ўтувчи ва 8 та янги-дан бошланадиган объектларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 1 триллион 189,4 миллиард сўм ажратилган.

Шунингдек, Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг 193,9 миллиард сўм маблағи ҳисобидан 57 та объектларда қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилган.

Самарқанд вилоятини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 12 та объектларни параллел қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 239,8 миллиард сўм ажратилган.

Ўтказилган назорат тадбирлари давомида бир қатор қурилиш-таъмирлаш ишлари қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган, - дейди вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Эркин Раҳматуллаев. - Жумладан, Самарқанд шаҳрининг Гулобод кўчаси бўйлаб Ҳўжа Аҳрор Вали тарихий обидасидан Термиз кўчасигача бўлган ҳудудда 1407 метр сув ва оқова тармоғи қурилишида пудратчи ташкилот томонидан бажарилган ишларга 78,6 миллион сўм қўшиб ёзилиб, талон-торож қилинган. Афросиёб кўчасида ичимлик суви қудуқлари қурилишда 85 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмаган.

Самарқанд тумани "Она Замин" масивда насос станцияси қуриш объектида эса қувур нархлари 657,9 миллион сўмга ошириб кўрсатилган. Насос станцияси ишламаслиги ва жўмрак очик ҳолатда қолдирилганлиги оқибатида оқова сувлари "Қорадарё" дарёсига ташланиб, табиатга 99,1 миллион сўм зарар етказилган.

Самарқанд шаҳри ва Паст Даргом тумани ободонлаштириш бошқармалари ҳамда "Сувоқова" давлат унитар корхонаси томонидан 1,5 миллиард сўмлик техника ва асбоб-ускуналар маҳаллий корхоналардан импорт нархидан қимматга харид қилинган.

Шунингдек, Паст Даргом тумани ички йўлларни таъмирлаш бўйича 460,3 миллион сўмлик бюджет маблағлари ўзлаштирилган.

"Самарқанд уй-жой таъмир" ПБТ ДУК мансабдор шахслари "Тошэлектроаппарат" хусусий корхонасидан сотиб олинган 2 дона насоз лифтининг 87,6 миллион сўмлик эҳтиёт қисмларини талон-торож қилган.

Бундан ташқари, 127 та кўп қаватли уй-жойларни таъмирлашда 129,7 миллион сўм, ичимлик суви ва оқова тармоқлари бўйича 20,8 миллион сўм ва йўлларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида 11,9 миллион сўмлик ишлар бажарилмаган.

Албатта, мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзғатилган. Шунингдек, бу борада вилоят прокуратураси томонидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

ҚУРИЛИШ ШАФФОФ БЎЛАДИМИ?

Бугунги кунда объектларда қурилиш ишларининг боришини доимий мониторинг қилиб бориш учун ҳар бир объектга видео камералар ўрнатилиб, марказлашган ҳолда ягона тизим яратиш ишлари олиб борилмоқда. Тест режимида «Шаффоф қурилиш» тизими амалга оширилди.

– Ушбу тизим (портал) жорий йилнинг 1 январидан республика бўйича ишга туширилди, - дейди Ҳ.Жабборов. - Энди ҳар бир қурилиш объекти учун ер ажратиш, ҳокимлик қарори, лойиха ҳужжатлари, қурилиш ишларининг бориши, қурилиш материаллари сифати, иш берувчи, инженер-техник, ишчи мутахассислар тўғрисидаги маълумотлар ва туғатилган объектларнинг фойдаланишга топширилш босқичлари геопортал тизимига киритилмоқда.

Қурилиш назорати инспекциялари томонидан ҳар бир объектда бажарилаётган ишларни назоратга олиш, аниқланган камчиликларни ўз мuddатда бартараф этиш, кўпол қонунбузилишлар ҳолатлари аниқланганда тизимли чоралар белгилаш имконияти ошди.

Самарқанд шаҳридаги сановат қурилиш техникуми қошида пудратчи ташкилотларнинг бетончи, ғишт терувчи, сувқочи, пардозчи, пайвандчи, монтажчи, сантехника мутахассисларнинг талақсини ошириш йўлга қўйилди. Пудратчи ташкилотларнинг раҳбар, инженер-техник ходимлари талақсини ошириш Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида амалга оширилмоқда.

Буюртмачининг техник назорати мутахассислари қурилиш объектида асосий ролга эгаллиги сабабли уларга қурилиш сифатини таъминлаш юзасидан талаб қўйилди. Бугунги кунда техник назорат ҳамда муаллифлик назоратини олиб борувчи ходимлар талақсини ошириш ва сертифициланган мутахассислар бўлиши талаби қўйилган.

Инспекция томонидан жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида "Ахборот бурчаги" ташкил этилган. Бундан ташқари, тадбиркорларга зарур бўлган маълумотларни инспекциянинг www.samgasn.uz веб-сайти, 66-235-08-57 рақамли "Ишонч телефони" ташкил этилган.

2020 йил инспекцияда юридик ва жисмоний шахсларнинг 148 та мурожаати қабул қилиниб, белгиланган мuddатда кўриб чиқилган.

Ё.МАРҚАЕВ.

Самарқанд халқаро саммитга ҲОЗИРЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Самарқанд туристик марказини Умар Жўракулов кўчаси билан боғлаш учун М-39 автомагистралда кўприк, яъни йўл ўтказгичнинг қурилиши ҳам жадал давом этмоқда. Шунингдек, ҳудуддаги Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсирлар спорт мактаби бино ва иншоотлари қурилишининг 2-босқичи, «Чўпонота» сув иншоотидан Улуғбек расадхонасигача бўлган сув тармоқларини реконструкция қилиш ишларида юзлаб ишчи-мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Мазкур кўча бўйида жойлашган объектлар миллий услубда қайта қурилиб таъмирланмоқда. Айни вақтда «Newtech Samarkand» МЧЖ ишчилари алоқа ва электр тармоқлари ўтказиш учун қувурлар ётқизаётган бўлса, «Баҳор гуллари» МЧЖ томонидан яшил майдонлар яратилиб, йўловчилар учун йўлаклар ташкил этилмоқда.

Ишчиларимиз томонидан ҳозиргача кўчанинги икки томонига минг метрдан зиёд турли ўлчамдаги қувурлар ётқизилди, - дейди «Newtech Samarkand» МЧЖ иш бошқарувчиси Камрон Норов. - Улар ёрдамида светофор, телефон ва бошқа алоқа тармоқларини тортиш имконияти пайдо бўлди. Йил якунигача яна 400 метр қувур ўрнатамиз.

Шунингдек, кўча бўйлаб ўндан зиёд автобус бекатлари, ошхона, савдо ва маийш хизмат кўрсатиш шохбчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бироқ кўчанинги шаҳар қисмида 150 та, туман қисмида эса 255 та нотураб ва турар жой объектлари бўлиб, уларнинг ярмида аҳоли томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ибн Сино, Бўстонсарой кўчалари ҳамда Университет хиёбони бўйлаб қарийб 8 километр масофада 200 га яқин бино ва иншоотлар таъмирланиши кўзда тутилган. Шунингдек, йил якунигача Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ўқув биноси, Россия давлат жисмоний тарбия, ёшлар, спорт ва туризм университетининг Самарқанд филиали ётоқхонаси ҳам талабалар ихтиёрига топширилади. Мазкур йўналишнинг Бўстонсарой кўчасида йўлни кенгайтириш ишлари Маданият вазирилик билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бузилган хонадон эгаларига компенсация берилиб, уй-жой билан таъминланмоқда. Шу вақтгача ушбу йўналишда 35 фоиз қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, мазкур йўналишнинг Бўстонсарой ва Рудакий кўчаларининг кесиммасидаги туннель ҳамда Самарқанд халқаро аэропорти қурилиши ҳам жадал олиб борилмоқда. Мазкур объектлар 2021 йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Афросиёб кўчаси ва М-37 автомагистралдан Самарқанд эшак эшик каналигача бўлган йўналишда 250 та нотураб ва турар жой объектлари ҳам таъмирланмоқда. Ҳозиргача Афросиёб кўчасидаги 62 та бино ва иншоотлар фойдаланишга қабул қилинган. М-37 халқаро автомобиль йўлида асфальт қопламалари ётқириш ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳарнинг 5 километр узунлиқдаги Беруний ва Мирзо Улуғбек кўчаларида ҳам ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишдаги 64 та нотураб ва 56 та турар жой объектлари таъмирланиб, йўл четигади ариқ ва лотоклар тартибга келтирилишти, яшил майдончалар яратилмоқда. Шунингдек, Самарқанд ветеринария медицинаси институти бош ўқув биноси ва 375 ўринли ётоқхонаси, вилоят Кардиология марказининг жарроҳлик бўлими, Сиёбча коллекторининг Мирзо Улуғбек кўчаси билан кесилган қисмини мукамал таъмирлаш кўзда тутилган.

Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуаси ва унинг атрофида ҳам бугун қурилиш-ободонлаштириш ишларига киришилган. Мажмуага бориш учун Самарқанд шаҳрининг Даҳбед ва Мотрид кўчаларида 6,5 километр, Оқдарё ва Пайариқ туманлари ҳудудидан эса 16,5 километр йўлни босиб ўтиш керак. Айни вақтда ушбу масофада жойлашган 330 дан зиёд нотураб ва турар жой объектлари таъмирланмоқда. Мотрид кўчаси бўйича «ТошбошланЛТИ» ДУК томонидан тақдим этилган лойihalаларга кўчанинги кенглиги тўғри келмаганлиги сабабли бу ерда таъмирлаш ишлари олиб борилмайдиган бўлди.

Ушбу йирик анжуман олдидан «Самарқанд шаҳрида 2019-2022 йилларда амалга ошириладиган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида»ги қарорга мувофиқ Самарқанд шаҳридаги қолган кўча ва маҳаллаларда ҳам навбат билан ичимлик суви, электр энергияси, канализация ҳамда алоқа тармоқларини янгилаш, реконструкция қилиш, ер ости ўтиш йўли ва кўприклар қуриш, таъмирлаш кўзда тутилган.

Дилмурод ТЎХТАЕВ,
Ҳусан ЭЛТОЕВ (фото).

Январь ойининг сўнги ўн кунда «Ўзагроинспекция» вилоят бошқармаси инспекторлари томонидан қишлоқ хўжалиги тизимида қонунчилик ижросини таъминлаш юзасидан 1517 марта назорат тадбирлари ўтказилди. Шундан 32 таси текшириш, 1485 таси мониторинг тарзидаги тадбирларни ташкил этади.

10 кунда 1,5 мингдан ортиқ назорат тадбири ўтказилди

Ўтказилган назорат тадбирларида, 117 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари, жисмоний ва юридик шахсларнинг 17 нафарига ёзма кўрсатмалар берилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 52 та маъмурий қарорлар асосида 30 миллион 670 минг сўм миқдорда жарима қўлланилди. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш юзасидан 7 та тақдиминоа киритилиб, 41 ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

«Ўзагроинспекция» вилоят бошқармаси ахборот хизмати.

«Ҳикоя, романларда менинг ҳаётим»

А.Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида таниқли ёзувчи, журналист Нусрат Раҳмат билан шу мавзуда давра сўхбати бўлиб ўтди.



Давра сўхбатига жамиятимизда маънавий-маърифий ишлари кучайтириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш каби бугунги куннинг муҳим масалалари бўйича сўз юритилди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Тошпўлат Тугалов, Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғи Хуршид Нуриллаев ва бошқалар адиб қаламига мансуб «Жадид» асарининг яратилиши, асар қаҳрамони - ношир, муҳаррир ва драматург Маҳмудхўжа Бехбудийнинг маърифатпарварлик борасидаги курашлари ҳақида ўз фикрларини билдириб, ушбу романнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, аҳамиятига тўхтади.

Тадбирда Нусрат Раҳматнинг «Фарзандаг ўғитлар» ноли китоби тақдими ҳам бўлиб ўтди. Бу асар 8 марта чоп этилган бўлиб, дидактик характерга эгалиги билан аҳамиятлидир.

80 ёшини қаршилаётган Нусрат Раҳмат ўзининг ҳаёти ва ижод йўли, яратган асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида гапириб берди.

Китобхонлар ва ёшлар адибдан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Баъзи мактабларга «Цинк» витаминлари берилади

Нега, кўпинча ўқувчилар 4-5 синфдан сўнг ўзлаштириши пасайиб кетади? Бунга ота-оналарнинг эътиборсизлиги сабабми ёки ўқувчиларнинг нотўғри ёндашуви? Вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари шифокорлар билан ҳамкорликда тўртта тумандаги 40 та мактабда ўқувчиларнинг бу борадаги аҳолини ўрганди.

Ўрганишларимиз давомида ўқитувчи ва ота-оналар ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари билан сўхбатлашдик, уларнинг кунлик фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зебинисо Шодиева. - Ота-оналар бошланғич синфда таҳсил оладиган фарзандининг таълими, овқатланиши, кийинишига катта эътибор билан қарашади. Аммо юқори синфга ўтган, негадир, бу эътибор бироз сусаяди. Ўқувчилар ўртасида тўлиқ тиббий кўрик ўтказиш жа-

раёнида уларнинг кунлик таомномаси билан қизиқарканмиз, кўпчилиги дарсга нонушта қилмай келганини тан олишди. Табиийки, ўз вақтида овқатланмаган боланинг қулоғига дарс кирмайди. Бу хол доимий такрорланса, ўқувчининг билим олиш сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шу масалада ота-оналар ўртасида сўхбат олиб борилди, боланинг таомланиш рақioniга бу ёшда ҳам эътиборли бўлишлари сўралди. Тиббиёт ходимлари томонидан ўтказилган кўрик натижаларига кўра,

болаларга бу ёшда қандай витаминлар кўпроқ зарурлиги бўйича хулосалар олинди.

Шу хулосалар асосида, яқинда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси вилоят ҳудудий бўлимида ўртасида меморандум имзоланди.

Меморандумга кўра, халқ таълими тизими билан доимий равишда ҳамкорликда иш юритиб, ўқувчиларнинг саломатлиги юзасидан ўрганишларимизни давом эттирамиз, - дейди Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси вилоят ҳудудий бўлими раҳбари вазифини бажарувчиси Нигора Ёрғашева. - Айни пайтда мактаб ўқувчилари учун икки минг дона бепул «Цинк» препаратлари берилмоқда. Цинк хотирани муштажамлаш, кўз нурини равшан қилиш, моддалар алмашинуви яхшилаш хусусиятларига эга. Қолаверса, ушбу витамин коронавирус билан оғриб, тузалган болаларга саломатлигини тўлиқ тиклаб олишда муҳим.

Г.КОМИЛОВА.

«Тўйхат ўрнида»

Самарқанд азалдан истеъодлар маскани бўлган. Зарафшон воҳасининг гўзал табиатидан баҳраманд, сўлим ҳавосидан ҳузурланган кўплаб ижод аҳли икки тилда ашъорлар битган. Буюк алломалар Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоийлар даврида гуллаб-яшнаган зуллисонан аънаналар бугун ҳам давом этмоқда. Анъонамизнинг икки тилда қалам тебратётган шоирларидан бири иқтидорли ижодкор Нормурод Каримовдир.



Зуллисонан ижодкор

Каримзода тахаллуси билан ижод қилаётган шоирнинг ҳаёт йўли бир текис ўтмаганига яқинлари гувоҳ.

Падари бузруквори Абдукарим аканинг биринчи оиласидан фарзанд бўлмади. Хурсанд ая билан қурган иккинчи турмушида ўғил кўрди. Унга Нормурод деб исм қўйишди.

Аммо тўрт ёшли Нормуроднинг бўйни қаттиқ шикастланди. Умрининг кейинги уч йили шифохонада кечди. Эртаю кеч ўғли ёнида бўлишни истаган ота касалхонага бегон бўлиб ишга ўтди. Лекин она фарзанди чеккан азобни кўтаролмади - ҳаётдан эрта кўз юмди.

Нормурод касалхонада мутолаа билан банд бўлиб, китобга меҳр қўйди. 1958 йилда Самарқанд туманидаги 16-умумтаълим мактабига илк қадам қўйган чоғда у ўқиш ва ёзишни яхши ўзлаштириб олганди. Айниқса, «Ёш адабиётчилар» тўғраги уни ўзига мафтун этиб қўйганди. Биринчи шеър ва ҳикояларини у шу ерда ёзди.

Шеърятга бўлган ҳавас бўлажак ижодкорни 1968 йилда Садриддин Айний номидаги педагогика институтига етаклади. 1972 йилда ёш

мутахассис меҳнат фаолиятини «Ҳақиқати Ўзбекистон» (ҳозирги «Овози Тожиқ» газетасида бошлади. Лекин ўша вақтлар пойтахтда муқим яшаш учун рўйхатда туриш масаласи ҳал бўлмагач, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги 45-умумтаълим мактабига ўқитувчи сифатида ишини давом эттирди. Орадан уч йил ўтиб, Самарқандга қайтишга мажбур бўлди. Истагидан кўра, ота талаби устун келди. Ўзи таҳсил олган 16-умумтаълим мактабига ўқитувчи бўлиб жойлашди ва ўриндошлик асосида педагогика институтининг фалсафа кафедраси ўқитувчиси сифатида талабаларга этика ва эстетика фанларидан дарс берди.

1981 йилда Самарқанд туманидаги пионерлар уйи (ҳозирги «Баркамол авлод» болалар мактаби) директори лавозимига тайинланиб, 20 йилга яқин самарали меҳнат қилди.

Нормурод Каримов сўнги 12 йил давомида Самарқанд туманидаги «Гулбод тонги» газетаси таҳририятини бошқармоқда.

Ўз бахтини фақат меҳнатда деб билган Нормурод ака ижод билан шуғулланишни

қанда қилмади. Ўзбек ва тожиқ тилларида ижод қилиб, ўтган йиллар давомида «Меҳрнома», «Авроқи дил», «Насими фараҳбахш», «Умр саховати ёғдулари», «Меҳр кўзда», «Чаманiston андиша», «Оби раҳмат», «Равзаи роз», «Суханобод-3», «Дурахши маъно», «Шукронаи истиқлол», «Кўнгул саодати», «Субҳ ва хайр» каби ўндан зиёд китобларни ўқувчиларга ҳада этди.

Нормурод ака ўзи туғилиб ўсган Кўсаҳо маҳалласида ҳам аҳолининг маънавий-маърифий дунёқарашини ошириш ва худудани ободонлаштиришда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

У Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Турон фанлар академияси фахрий аъзоси ҳисобланади.

Умр йўлдоши билан 4 фарзандга яхши тарбия бериб, ўқимишли қилиб вояга етказган Нормурод ака бугун 12 нафар неваранинг шодлиги билан яшамоқда.

Ҳамкасбимиз Нормурод Каримовдани қўтлуг 70 ёшни қаршилагани билан мурабракбод этиб, юксак ижодий парвозлар тилаймиз.

Хуршид НУРУЛЛАЕВ,
Зоҳир ҲАСАНЗОДА.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «NAVO DAM OLISH MASKANI» оилавий корхонаси (СТИР: 303001921) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «NAVO DAM OLISH MASKANI» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «NAVO DAM OLISH MASKANI» масъулияти чекланган жамияти «NAVO DAM OLISH MASKANI» оилавий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Чўпонота маскани.

нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шуқурова Лобар Олимжон кизи нотариал идорасида марҳум Бозоров Шарифга (1985 йил 21 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шуқурова Лобар Олимжон кизи нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Спитамен кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Файзиёв Усарга (2005 йил 11 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод нотариал идорасида марҳум Хамраев Урунга (2015 йил 14 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Султанов Акмал Рахимовичга (2018 йил 11 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод нотариал идорасида марҳум Дилафруз Ахмадовнага (2020 йил 8 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райхон Бериуний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Музафаров Ахрорга (1993 йил 8 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очил-

моқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод нотариал идорасида марҳум Маттиева Мунирага (2020 йил 26 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Кусакина Валентина Александровнага (2013 йил 25 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Маҳмудов Усманга (2020 йил 1 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунгур туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Эгамбердиева (ҳозирда Пардаева) Нигора Муҳаммад кизи номига берилган U № 4880732 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 54-ўрта мактабдан 1995 йилда Хайдарова Гулноза Қудратовна номига берилган АО № 108545 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Мавланова Наргиза Асадуллаева номига берилган O'R-A № 1079624 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2018 йилда Мамаражабов Бекзод Урозали ўғли номига берилган рўйхат рақами 758, В № 977061 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАР ВА ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«1-KB shakli йиллик» микрофирма ва кичик корхонанинг 2020 йил учун йиллик статистик ҳисоботини (тегишли иловалари билан) **2021 йил 26 февралдан кечиктирмай**, хато ва камчиликларсиз (www.samstat.uz) «eStat3.0» тизими орқали электрон кўринишда тақдим этишлари шартлигини эслатамиз.

Ҳурматли тадбиркорлар, ҳисоботни ўз вақтида жўнатишни унутманг. Сизга яратилган имкониятдан фойдаланинг, вақтингизни қадрланг.

Электрон ҳисобот қулай, тезкор ва самарали.
Мурожаат учун телефонлар: (66) 235-45-90, 235-42-95, 231-12-58, 230-45-27, 230-45-44.
ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЯТИ.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Жалилов Жамол Халиловичга қарашли Самарқанд шаҳри Тўрақул Зехний кўчаси, 1-йўлак, 9-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Паст Дарғом туман филиалидан «ATLANTA AIR» хусусий корхонасига қарашли Паст Дарғом тумани Кимёгарлар кўрғонига жойлашган ишлаб чиқариш биноси учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Исмаилов Джурга Джумаевичга қарашли Самарқанд шаҳри Лахутий кўчаси, 193-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабидан 2018 йилда Пардаев Улуғбек Ақтам ўғли номига берилган U № 8405918 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Полянова (ҳозирда Мусаева) Сарвиноз Шералиевна номига берилган O'R-A № 0345971 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Гадаева Тулганой Самихоновна номига берилган O'R-A № 1071110 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 7-ўрта мактабдан (ҳозирги 89-умумий ўрта таълим мактабидан) 1990 йилда Темиров Ислам Илёсович номига берилган А № 245222 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Даминов Абдулносир Ваҳобидинович номига берилган O'R-SH № 0625310 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2019 йилда Эломонов Аҳлиддин Мамалатиф ўғли номига берилган рўйхат рақами 427, К № 5558607 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Собиқ Челек туманидаги 17-ўрта мактабдан (ҳозирги Пайариқ туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабидан) 1999 йилда Маматқулова Ойшаркар Исमतовна номига берилган O'R-A № 491725 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Шоғдорова (ҳозирда Абдувалимова) Мафтунга Диёровна номига берилган U № 6440201 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институти академик лицейидан 2019 йилда Мусурмонов Бобуржон Пардабой ўғли номига берилган рўйхат рақами 135, L № 0003822 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан 2008 йил 5 февралда Саматова Моҳирага қарашли Самарқанд шаҳри Ипак йўли кўчаси, 4-уй олдига жойлашган «Аёллар сартарошончаси» учун берилган 363/113 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой туманидаги «ОММАГ» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306586990) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Наво ортук истар эсанг, шукр кил!



“...Алишербекча мураббий маълум эмас...”

Ёшларга ғамхўрлик, уларни ҳаётнинг кенг йўлларида олиб чиқиш борасида ҳазрат Навоий қилган ибратли ишлар таҳсинга лойиқдир.

Истадим

Қон ютуб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим, Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимга ким жоним фидо айлаб соғиндим дам-бадам, Эрмас эрди ёрликда чун вафодор истадим.

Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо, Ваҳки, умри улча йўқтур соғиниб ёр истадим.

Улки, топилмас башар жинсида ваҳ гафлат кўрунг, Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ишқимни кўнгул кўз бирла фаш этмак не тонг, Қалбу тардомани мен чун соҳиб асрор истадим.

Шайх бирла хонақадҳин чун ёруғлуқ топмадим, Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим.

Эй Навоий, чун рафиқи топмадим, бу гуссадин, Ўзни бекаслик балосига гирифторм истадим.

Алишер НАВОЙИЙ.

БУЮК МУҲАББАТ ВА ДЎСТЛИК ИБРАТИ

Ўзининг пир даргоҳида алоҳида мавқега эга эканлигини, унинг биринчи ўқувчиси бўлганлигини фахр билан эслатади:

Файзи гадову шаҳ аро мунташир, Хизматиға шоҳу гадо муфтахир. Лек манга оллида ажзу ниёз, Борча улусдин берибон имтиёз... Номағаким роқим этиб хомасин, Кўрмади, мен кўрмайин, эл номасин. Шу нуқтаи назардан, Навоийнинг «Хамса»-ни бошлашига туртки бўлган воқеа ниҳоятда қизиқарли. Бу ҳодиса ёки ҳодисалар - Абдурахмон Жомий хонадонидagi мувоҳаса ва унинг натижаси ҳақида “Ҳайрат ул-аброр” достонининг 13-бобида куйидагича маълумот берилди:

Базма бир кун юзидин нур эди, Хар соридин ноидра мазкур эди. Тушти чу раҳрав била пайравга сўз, Етти Низомий била Хусравга сўз.

Гавҳаре йўқ «Маҳзан ул-асрор»дек, Ахтаре йўқ «Матлаъ ул-анвор»дек. Бу воқеада бир нечта муҳим ва эътибор талаб этадиган нуқталар бор.

Биринчидан, «Маҳзан ул-асрор» ва «Матлаъ ул-анвор» ҳақида қизгин баҳс кечгани ҳолда на Навоийнинг, на Жомийнинг бу масалага муносабати сезилмайди. Улар гўё баҳсу мунозаранда кузатувчи сифатида иштирок этган.

Иккинчидан, жуда қисқа фурсатдан кейин Жомий ҳали мусаввада (қоралама) шаклидаги асарни Навоийга тақдим этди:

Ўтти чу алқисса бир ой, икки ой, Бир кун ўлуб, бахту хирад раҳнамой. Хидматин эттимки, таманно эди, Илғиди кўрдум неча ажзо эди. Кулгу била қилди ишорат манга, «Тўхфа» била берди башорат манга.

Бу пайтда Жомий «Тўхфат ул-ахрор»ни ёзиши бошлаган эдимиз ёҳуд шу воқеа сабаб бўлдимиз, бунга аниқ айтиш қийин. Воқеалар кетма-кетлиги иккинчи фикрга ишора этаётгандек.

Абдурахмон Жомийнинг «Тўхфат ул-ахрор» достони «Хамса»ларнинг илк достонлари орасида ҳажман энг кичик - 1712 байт (киёслаш учун “Маҳзан ул-асрор” - 2264, “Матлаъ ул-анвор” - 3310, “Ҳайрат ул-аброр” - 3988 байтдан иборат). Асар жуда қисқа


муддатда ёзилган («бир ой, икки ой»), китоб ҳолига келтирилмасдан (шошилинч тарзда) Навоийга тақдим этилган. Гўё достон айнан Алишер Навоий учун, унинг шоир ва мутафаккир сифатида этилганлигини инобатга олиб, унга туртки бериш учун ёзилгандек таассурот қолдиради.

Алишер Навоий йигитлик даврларидаёқ Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида “Хамса” ёзишга иштиёқи йўқ эмаслигини баён этган эди. Абдурахмон Жомий Навоийнинг тарикатдаги пири ва ижод соҳасидаги устози сифатида ўз асарининг шогирдиға айнан шундай таъсир қилишини билган бўлиши керак.

Бу воқеалар тўғрисида бошланган жараённинг мантиқий яқуни “Сади Искандарий” достонининг яқунловчи бобида янада гўзалроқ, ибратлироқ тарзда берилган. Бобнинг мухтасар мазмуни куйидагича: Навоий хамса яратишдек машаққатли иш олдида турганида хотиждан («файрух сурӯш») овоз келиб, уни «пир даргоҳиға» боришга ундагани, Жомий билан бўлган суҳбат, сўнгра шоирга бахт-давлат раҳнамолик қилиб, ниҳоят «Хамса»ни яқунлаганини ёзади. Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг ёзилишидан бошлаб «Сади Искандарий» яқунлангунча бўлган жараёни бирма-бир эслаб ўтади. «Навоий тонг отиб кеч киргунча эл-урт ташвиши билан банд бўлгани ҳолда салафлари узок муддат ёзган «Хамса»ни жуда қисқа муддатда - икки йилда яқунлаганини, агар бевосита фақат ёзиш учун кетган вақт ҳисоблаб чиқилса, олти ойга ҳам бормаслигини фахрия тарзида баён қилади».

Навоий шу хаёлар билан яна устози Абдурахмон Жомийнинг хузурига боради «Хамса»ни тақдим этди. Жомий асарни бирма-бир варақлаб кўради:

Назар солди очиб варақ барварақ, Бўлуб муллатит, чун очиб хар варақ. Қяо сўздаким бир савол айлабон, Жавабин дегач завқи ҳол айлабон.



Ҳазрат Жомий бир қўлини шоирнинг елкасига қўяди. Навоий бир лаҳза тахайюл оламиға фарқ бўлади:

Чу эгнимга ул қўл била энг етиб, Замиримдин ўзлук хаёли кетиб...

Ўзүмдин ҳамул дамки гойиб бўлуб, Манга жилвагар кўп гаройиб бўлуб...

У аjoyиб бир гулистонда пайдо бўлади. Бир киши шоир томонга келиб, ўзини форс-тожиқ шоири Ҳасан Дехлавий деб таништиради ва даврадагилар шоирни кўрмоқчи эканликларини айтади. Навоий ҳажжон билан давра аҳлиға яқинлашади. Ҳасан Дехлавий даврадагиларни Навоийга таништиради. Уртада Низомий Ганжавий, унинг икки ёнида Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий, уларнинг атрофида ўтирганлар эса Фирдавсий, Унсурий, Саъдий, Санойи, Ҳоконий ва Анварийлар эди.

Даврадагилар Навоийни кўршилари билан ўринларидан турадилар. Унинг бир қўлидан Хусрав Дехлавий, иккинчи қўлидан Абдурахмон Жомий тўтиб, Низомийнинг ёниға ўтқизадилар. Навоий Низомийга таъзим бажо келтириб, унинг ёнида ўтиради. Низомий Навоийнинг «Хамса»сига юксак баҳо беради ва Жомийдан шоир ҳақиқига дуо қилишини сўрайди...

Шу онда Навоий тахайюл оламидан қайтиб қараса, Жомий қўлини унинг елкасидан олган ва унга қараб турган экан. Жомий Навоийни улўғ муддаоға етишганлиги билан кутлаб, Тангриға шукрона келтиришға чорлайди. Ниҳоят, Аллоҳдан мадад сўраб, “бисмиллоҳ” билан ибтидо топган «Хамса» дуо, омин ва буюк Яратганга шукроналик билан яқун топади:

Навоий, қилиб Тенгри коминг равво, Санга рўзи этти аjoyиб наво. Узот Тенгри шукри навоисига тил, Наво ортук истар эсанг, шукр кил!

Адабиётшунос олим А.Қаюмовнинг фикрича, «Бу учрашув тамомила хаёлий ҳикоя бўлса-да, Навоийнинг шахсий фазилатлари, ўз-ўзига талабчанлиги, камтарлиги каби хусусиятларини намойиш этади».

Саиджамоил МИРЖАФАРОВ, СамДУ катта ўқитувчиси, шарқшунос, арабшунос олим.

“Амир Алишернинг фазлу ҳунар табақасининг аксарига ғамхўрлиги зўр...”

Алишер Навоий Ҳиротда вазирлик йилларида эл-юртга хизмат қилди, ҳунар аҳли ва ҳақимлар ишини халқ фаровонлигиға қаратди. Уша даврнинг машҳур тарихчиси Хондамир ўзининг “Хулосат-ул ахбор” асарида бу ҳақда шундай ёзади: “Амир Алишернинг фазлу ҳунар табақасининг аксарига ғамхўрлиги зўрди. Тазкиб ва тасвир илми ҳунарида бениқсон ва чексиз бўлган қалам аҳллари, шунингдек, замон наққошлари ва давр муҳандисларининг кўпи ул ҳазратнинг тарбия ва таълим воситаси билан бу ҳунарларни ўргандилар ва атроф оламда монанди йўқ яхшилар тенги бўлдилар».

Хондамир Навоий қурган баъзи иморатларнинг аниқ тафсилотларини келтиради. Улар орасида 52 работ, 19 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом ва бошқа бир қанча хайри иморат ва иншоотлар бор. Работлар чўл ва сувсиз биёбонлардан ўтувчи узок йўлларда савдогар ва йўловчиларнинг хотиржам қўниши, тўхтаб дам олишлари учун қурилган бинолар, мусофирхона, бекат ҳамда карвонсаройлар вази фасини бажарган. Улар таркибиде меҳмонхона, масжид, дам олиш хоналари (хужралар), қудуқлар ва хатто юк ташувчи ҳайвонларни боғлаш учун ховлилар ҳам бўлган.

Алишер Навоий Астрообда қарийб икки йил ҳоким бўлиб турган даврда маъмурчилик ва бинокорлик ишларига катта эътибор берган. Хива хони Оллоқулонининг (1825-1842) Хуросонга қилган ҳарбий юришларидан бири ҳақида «Сафарнома» асарини ёзган Муҳаммад Назар ибн Мулла Саидниёз ал Хевакий Алишер Навоий билан боғлиқ қизиқ бир фактни баён қилади: Оллоқулонин қўшинла-

хабарни ёзиб қолдирган: “... Султон Бойқаро ҳазратларнинг дўсти амир Алишернинг равшан хотириға нур сочиб, ўзининг тамо олий неъмат ҳимматини бу шарафли масжид биносини янгилаш ва ул олий ибодатхонанинг асосларини мустаҳкамлашни тезлаштиришға қаратди...”

Маълумотларға кўра, мазкур масжиднинг, чарақлаб турган салобатли, жилвадор пештоқ ва деворларига машҳур Мирак Наққош ва унинг бошчилигидаги бир қанча ҳунардонлар беизак беришган. Ҳовлиснинг узунлиги 114 метр, эни 84 метр бўлиб, 6 та дарвозаси бўлган. Бу ҳозир ҳам Ҳиротнинг энг гўзал обидаларидан биридир.

Навоий Инжил канали бўйида ниҳоятда зеб-зийнатли «Ихлосия» мадрасаси, унинг қаршисида эса гоёг гўзал ва кўркам ишланган «Халосия» хонақоҳини солдирди. У «Ихлосия» мадрасаси мукобаласидаким... хонақоҳо бино қилинди», деб ёзади Навоий бир ўринда. Кўриниб турибдики, иккала бино ҳам Инжил суви бўйида тартиб ва зукколик билан ансамбль услубида ташкил этилган. Тадбиркорлик билан ташкил этилган муҳташам меъморий муҳитда гоёг хушҳаво микроклим яратилганки, бу шаҳарсозлик бобида эътиборга молиқдир. Давлатшоҳ Самарқандий Инжил каналининг кўрки «жаннат салсабили ҳамда ариғининг рашкини келтирар эди», деб ёзганди.

Навоий Ҳирот жомеъ масжиди таъмирлаш билан чекланиб қолмасдан, шаҳар ташқа-

расида ўзи ҳам янги жомеъ масжиди қурдиради. Сўнг ушбу масжиднинг жанубий томонида «Халосия» хонақоси, гарбидан Инжил яқиниға «Шифоия» шифохонаси, унинг қаршисида эса «Сафоия» ҳаммомини ҳамда улар қошида чиройли ҳовуз барпо этиради. Шу ўринда таъкидлаш керакки, жомеъ шифохоналарининг қурилиши ўрта асрларда (IX-XI асрлардан бошлаб) нафақат Ҳиротда, балки бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда, хусусан, Шарқ мамлакатларининг кўпгина шаҳарларида анча ривожланган. Улар Самарқандда, Марв, Бухоро, Кўҳна Урганч, Ҳирот, Ғазна, Рай, Боғдод, Ҳамодон, Исфаҳонда ва бошқа шаҳарларда ҳам қурилган.

Навоийнинг ўзи қурдирган биноларға ном танлашдаги дидига ҳам қаранг - Ихлосия, Халосия, Шифоия, Сафоия, Низомия, Хусравия, Фаноия. Ихлосия мадрасасининг номи қилинди», деб ёзади Навоий Ҳусайн Бойқароға бўлган ихло-сини, унга миннатдорчилигини билдирса, Шифоия шифохонасининг номи соғлиқ, шифо, Сафоия ҳаммомининг номи эса озодлик, поклик маъносини англатган. Хусравия мадрасасининг номи бинонинг биринчи фиштини қўйган марҳум шаҳзода Мирзо Муҳаммад Султон номини ҳамда унинг қурилиш йилини ифодалаган.

А.ЎРОЛОВ, меъмorchилик фанлари доктори. О.БОБОҚАНДОВ, докторант.



Абдузоҳир Зиёевни Ургутда “раис бобо” деб эъзозлашади. Нафақат шу туманда, балки вилоят, республикада таникли бу инсоннинг ҳаёти қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Ёшлигидан дала кезади, эл ризқини яратиш учун меҳнат қилади.

Раисдан тўхфа

Абдузоҳир ака йигирма йил Навоий номли жамоа хўжалигиға раислик қилди. Бу даврда қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш, йўлар, мактаб, боғча ва бошқа объектлар қуриш борасида хўжалик туманда бошқаларға ибрат бўлди. Шу билан бирга маънавият, маданият масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари депутати сифатида ҳам самарали ишлаган раис ташаббуси билан 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан М-39 йўлининг мазкур хўжалик ҳудудидан ўтган қисми ёқасида буюк алломанинг салобатли ҳайкали ўрнатилди.

Шу ва бошқа эзгу ишларнинг ташаббускори бўлган раис бобо ўзининг ҳаёт йўли, хотиралари ҳақида ёзган китобини “Навоий руҳини шод



Мақом кечасида Навоий ғазаллари куйланди

Вилоят ўлкашунос-лик музейида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигиға бағишланган мақом кечаси ташкил этилди.

“Навоий ижодиға эҳтиром” номи билан ўтказилган мақом кечасида йўлқатилган намунали “Мақом” ансамблининг истездодли хонанда-ю созандалари томонидан Навоий ғазалларидан иборат мақом куйлари янгради.

Мақом қалбларға кириб борувчи, уларни ҳаяжонға солувчи, руҳий ва маънавий озуқа берувчи миллий санъатимиздир, - дейди Самарқанд вилоят намунали мақом ансамбли бадиий раҳбари Абдунаби Тўхтаев. - Миллий мақом куйларимизнинг асарияти ҳазрат Навоий бобомизнинг ғазалларидан таркиб топган. Ғазалларнинг ҳар бир байти ўзига хос оҳангға эга. Бугунги мақом кечамизда ҳам “Сарпарда”, “Эй сабо”, “Сайқал”, “Бўлмиш”, “Сафти сувора” ҳамда “Накши наво” каби ғазаллар ижро этилди. Мақом кечаларини Нуробод ва Паст Даргом туманларида ҳам ўтказишни режалаштирганмиз. Мақом кечасида жонли ижро этилган куй-қўшиқлар дилларни яйратади, тингловчилар Навоий бобомизнинг бой меросидан баҳраманд бўлди.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

Zarafshon AMARQANDSKIN ESTNIK

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 19 517 нусxada чоп этилди. Бюроғма 99

Жаҳон 2 босма табоқ, бичими А-2

ҚАБУЛХОНА: (66) 233-91-51, РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: (66) 233-91-56. БЎЛИМЛАР: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улўғ Тўрсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Навбатчи муҳаррир: А.ШЕРХОЛОВ. Навбатчи: Ё.МАРҚАЕВ. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

ISSN-201667X. 9 772010 1667009